

МАСАЙИТОВ Саиджамол,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги
Фатво маркази бош мутахассиси, Тошкент
ислом институти катта ўқитувчиси, PhD
e-mail: masayitovs@mail.ru

ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИДА ФАРОИЗ ИЛМИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

THE ILLUMINATION OF THE ISSUES OF THE SCIENCE OF FARAIH IN HADITH COLLECTIONS

ОСВЕЩЕНИЕ ВОПРОСОВ НАСЛЕДСТВЕННОГО ПРАВА (ФАРИЗ) В ХАДИСАХ

Аннотация: Тадқиқотчи ушбу мақолада Ўрта асрларда илм-фан марказларига айланган Марказий Осиё шаҳарлари ва бу марказлардан етишиб чиққан ва фаннинг турли соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган олимлар ҳақида сўз юритади. Маҳаллий аҳолининг ислом динини қабул қилиши ва Мовароуннҳрдаги сиёсий вазият илм-фан ривожига катта туртки бўлди ва шу сабабдан ҳам ислом илмларининг кўплаб соҳаларида, хусусан, фикҳ соҳасида кўплаб олимлар етишиб чиқди.

Ислом ҳуқуқида мерос масаласи мураккаб, бироқ айни пайтда фикҳнинг бошқа соҳаларига қараганда ҳуқуқий тизимга кўра маҳорат билан ҳал этилган ҳуқуқий масаладир. Мерос илми Қуръон билан бир қаторда суннат асосида яратилгани сабабли, бу илмнинг ривожига муҳаддисларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари қўшилганини кўриш мумкин. Мақолада Имом Бухорий, Имом ат-Термизий ва Имом Доримий каби машҳур муҳаддисларнинг фариоз масаласини ҳал этишда қанчалик ҳисса қўшгани сўз юритилади.

Annotation: In this article, the researcher talks about the cities of Central Asia, which became centers of science in the Middle Ages, and the scientists who

grew out from that centers and made a significant contribution to the development of various fields. Advent of Islam by the local people and the political situation in Mawerannahr was a great impetus for the development of science, and for this reason appeared many scholars in many fields of Islam sciences, especially in fiqh.

The issue of inheritance in Islamic law is a very complex one, but at the same time it is a legal issue that has been dealt with more skillfully in accordance with the legal system than some of the abstract and complex rules that have been introduced. Since the science of inheritance is based on the Qur'an as well as the Sunnah of the Prophet (p.b.u.h.), it can be observed that the hadith scholars have also made a significant contribution to the development of this science. The article provides examples of how well-known hadith scholars like Imam Bukhari, Imam al-Tirmidhi, and Imam al-Darimi, contributed to the solution of the issue of faraid.

Аннотация. Статья исследует, как города Средней Азии, такие как Бухара и Самарканд, стали ведущими центрами исламской науки в средние века. Принятие ислама и стабильная политическая обстановка в Мавераннахре способствовали расцвету научной мысли, особенно в области фикха и астрономии. Выдающиеся ученые внесли значительный вклад в развитие этих наук и оказали влияние на последующие поколения ученых.

Исламское право наследования, основанное на Коране и Сунне, отличается высокой степенью детализации и справедливости. Особую роль в развитии этой области сыграли такие выдающиеся хадисоведы, как Бухари, ат-Термизий и ад-Дарими. Их труды содержат множество хадисов, которые разъясняют различные аспекты наследственных отношений, включая определение долей наследников, порядок наследования при наличии завещания и другие сложные вопросы. Статья анализирует, как эти хадисы были использованы для создания стройной и логичной системы наследственного права, которая применяется в мусульманском мире уже много веков.

Калим сўзлар: Қуръон, сунна, ижмо, мерос ҳуқуқи, шариат, таъвил, ҳуқуқшунослик.

Keywords: *Qur'an, Sunnah, Ijma, Inheritance law, Sharia, Interpretation, Jurisprudence.*

Ключевые слова: *Коран, сунна, иджма, наследственное право, шариа, интерпретация, юриспруденция.*

КИРИШ

Марказий Осиёлик алломалар Ислом дини ва унга тегишли бўлган барча соҳаларда, шунингдек, араб тили, мантиқ, балоғат каби фанлар билан биргаликда дунёвий илмлар ривожига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Мовароуннаҳрдан ўша вақтда мавжуд бўлган илмлардан ташқари бир қанча янги илмларга асос солган улуғ зотлар ҳам етишиб чиқди. Ислом маданиятининг ривожланиши, мусулмон ўлкаларининг юксак тараққиётга эришиши каби ижобий суратлар бир томондан Ислом динининг илм-фанга бўлган ўта яхши муносабатидан, яъни, илм олишни ҳар бир эркак ва аёл учун бешикдан лаҳадгача фарз қилганидан, дейилса, бошқа томондан ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳам бу нарсга катта имконият яратиб берганидан ҳам дейиш мумкин [1:36].

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий воқеалар ҳам ўша даврда (IX—X асрлар) «...Мовароуннаҳрда кечаётган жараён ҳали маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақа ислом марказларида Хуросоннинг бир қисми ҳисобланарди. Фақиҳ гуруҳлари, Сомонийлар (875—999) амалдорлари зўравонликларидан аҳоли турли табақаларининг ягона ҳимоячиси сифатида чиққанликлари натижасида уларнинг ижтимоий обрўси ва таъсир доираси кенгая борди» [2:43]. Ўша даврда фикҳ илми турли жиҳатдан, масалан, яратилган асарларнинг озлиги нуқтаи назаридан ҳам шаклланиш ва кучга тўлиш даврини бошдан кечирмокда эди.

Асосий қисм: Қорахонийлар (999-1212) даврига келиб Мовароуннаҳрда фикҳ

илмининг ривожига ва такомилли юзага кела бошлади. Қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида «Мовароуннаҳрнинг Хуросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илм марказларига айлантирилди. Бу шаҳарларда Насаф, Марв, Фарғона фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар» [2:44].

Ушбу мактабларнинг вакиллари бўлган фуқаҳоларнинг деярли ҳаммалари фароиз бўйича катта ишларни қилишган. Фуқаҳоларнинг кўпчилиги мерос ҳақида ўзларининг фикҳга оид асарларида гапириб ўтишган бўлса, уларнинг орасида айримлари, мавзуга доир мустақил китоблар ҳам таълиф қилишган.

Умуман фикҳнинг усул ва фуруълари бўйича Марказий Осиё уламоларининг сони чексиздир. Усулул фикҳ илмини ривожланишида ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик уламолар қаторида Абу Мансур ал-Мотуридий, Имом Абу Зайд ад-Дабусий, Имом Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим Фахрул Ислом Баздавий (в.482), Имом Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Хофизиддин ан-Насафий, Шамсул-аймма ас-Сарахсий ва бошқаларни келтириш мумкин. Фуруълар фикҳ борасида юртимизда “Мабсут”, “ал-Ҳидоя”, “Бадоеъус-саноеъ”, “ал-Викоя”, “Кофий”, “Тухфатул фуқаҳо”, “Фатово Қозихон”, “Муҳитул Бурҳоний” ва бошқа кўплаб китоблар тасниф қилинди. Ушбу китоблар муаллифларининг мерос илми ривожига қўшган ҳиссаларининг бекиёслиги маълум. Зеро мерос илми фикҳ илмига кирувчи бўлимларнинг биридир.

Мерос илмига тааллуқли ҳукмлар Қуръони карим [3:4/11], суннат ва ижмога суянганлиги учун Мовароуннаҳрдан ҳадис илми соҳасида етишиб чиққан ва бутун дунё тан олган олимлардан Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ал-Марвазий

(161-238/778-853), Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (118-181/726-797), Имом Насойй (215-303/829-915), Имом Бухорий (194-256/810-870), Имом Термизий (209-279/824-892), Имом Доримий (182-255/797-869) каби уламоларимизнинг ҳам ушбу илмнинг ривожига катта ҳисса қўшган уламолар сифатида келтиришимиз мумкин [4:141].

Ислол оламидаги энг ишончли олти тўпламнинг учтаси – Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Насоййларни мана шу юртдан чиққанлиги юртимиз уламоларининг бу соҳадаги ўринларини кўрсатиб турибди.

Имом Бухорий “ал-Жомий ас-саҳих” китобида мерос ва васият аҳкомларига кенг тўхталиб ўтган. Китобнинг 85-бобини “Китаб ал-фароиз”, деб номлаган. Ушбу китобда 43 та, улардан биттаси муаллақ, қолгани мавсул ҳадис ҳамда саҳоба ва улардан кейингиларнинг асарларидан яна 24 та келтирган.

Имом Бухорийнинг фикрдаги қарашлари бобларнинг сарлавҳаларидан олинади. Шундан кўриш мумкинки, фароиздаги кам сонли ихтилофли масалалардан бўлган бобо билан ака-укалар мероси масаласида имом Бухорий жумхур уламоларга хилоф равишда Абу Ҳанифа мазҳабидаги каби фикрни танлаганини кўриш мумкин. Шунинг учун имом “бобо билан ака-укаларнинг мерос олишлари ҳақидаги” боб, деб сарлавҳа қўяди ва боб остида Абу Бакр, ибн Умар ва ибн Зубайрлар: бобо отадир, деганлар, дейди [5:12/19]. Шунингдек, имом Бухорий фуқаҳолар ўртасидаги тортишувли масалалардан бўлган мархума аёлга меросхўр бўлган икки амакининг ўғиллари масаласида ҳам ҳазрати Алидан келган ривоятга биноан марҳуманинг ҳам эри ҳам амакисининг ўғли бўлган амакиваччасига молнинг ярми, ҳам она бир акаси бўлган иккинчи амакиваччасига 1/6 берилганидан сўнг қолган мол ўрталарида тенг бўлинишини айтадилар [5:12/28].

Фароиз китобларининг аксарида ёритилмаган мулоана мероси, насаб даъвоси қилганга

мерос берилиши, лакит (топиб олинган инсон) мероси, валосини биров олмаслик шарти билан озод қилинган (саиба) нинг мероси, асирни мерос олиши, фарзанд меники, деб даъво қилган аёл масаласи каби ва бошқа қатор ҳукмларни оят, ҳадис ва асарлар орқали очиб беришга ҳаракат қилиб, фароиз уламоларига жуда катта енгилликлар бўлишига сабабчи бўлган [5:12/31].

Марказий Осиёдан етишиб чиққан машҳур муҳаддислардан бошқа бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад Тамимий Самарқандий Доримий (819/200-798/181) ҳам ўзининг шоҳ асари бўлган “Сунан”нинг 21 китобини “كتاب الفرائض” (“Мерос ҳукуки ҳақидаги китоб”) деб атаган. Ушбу китоб “Фароиз илмини ўрганиш” ҳақидаги боб билан бошланади. Шунингдек, унда эр ва хотин, қиз ва ўғил, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо ва буви-ларнинг меросдаги улушлари, мамлуклар ва Аҳли китобларнинг мерослари масалаларига бағишланган ҳадислар жамланган. Китобда узоқ ва яқин қариндошларнинг улушлари, мулоана¹, қотил, асир тушган киши, зинодан туғилган бола, меросхўр бўлмаган вазиятлар, қул озод қилишлик сабаб меросхўр бўлиш (الولاء) ва бошқа мавзулардаги кўплаб ҳадислар келтирилган. Имом Доримийнинг ушбу “كتاب الفرائض” (“Мерос ҳукуки ҳақидаги китоб”) китоби ҳаммаси бўлиб 56 боб, 324 та ҳадисни ўз ичига олган [6:20].

Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳам ўзининг “Сунани Термизий” номи билан машҳур бўлган жомеида “أبواب الفرائض عن رسول الله” (“Росулуллоҳ с.а.в. дан фароиз бўйича келган ҳадислар”) деб номланган умумий сар-

¹ Мулоана – хотинини зинода айблаган эрнинг ўзидан бошқа гувоҳи бўлмагани ва хотин ушбу айбни тухмат деб, тан олмагани учун қози ҳузурида бир-бирларини лаънатлашидир. Мабодо хотин ҳомиладор бўлиб қолган бўлса, у отага нисбатланмайди. Бу ерда ана шу бола худди зинодан туғилган бола каби фақат она ва у томондан бўлган қариндошлардан мерос олиши ҳақида гап боради.

лавҳа остида 20 та боб, 27 та ҳадис келтирган [7:6/264]. Имом Термизий кўплаб фуқаҳолар, жумладан, Абу Ҳанифа, Шофеъий, Молик ва бошқаларга хилоф равишда мусулмон қўли остида исломга кирган мушрикнинг бошқа меросхўри бўлмаган ўринда меросига эга бўлади, дейди. Мазкур ҳукмни улар Тамим ад-Дарийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис билан қувватлайди: у киши Пайғамбар с.а.в. дан мусулмоннинг қўлида исломган кирган мушрик борасида қандай йўл-йўриқлар бор, деб сўрайди. Пайғамбар с.а.в. у (мусулмон) унинг (исломга кирганнинг) ҳаёти ва ўлими учун ҳаммадан ҳақли, дейдилар [7:6/295].

Шунингдек, имом Термизий эри ўлдирилган аёлни нафақат эрининг молидан балки, хуни (дия)дан ҳам мерос олади, дейди ва бу сўзларига Пайғамбар с.а.в. нинг Килобийга ёзган мактубларини келтиради. Унда, жумладан, бундай айтилишича Пайғамбар с.а.в. унга хат ёзиб, Ашям Дობабийнинг хотинини эрининг диясига ворис қилгин, деганлар.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳрлик муҳаддислар ҳам фикҳ ва айниқса, унинг катта бобларидан бири бўлган фароиз соҳасида қилган ишлари беқиёс экан ва ундаги кўплаб нозик масалаларнинг ҳал қилинишида уларнинг ўринлари салмоқли эканини, улар томонидан ёзилган асарлар кўрсатиб турибди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, агар муҳаддисларнинг мазкур меҳнатлари бўлмаганда фароиз илмига доир масалаларнинг катта қисми, гарчи бу фикҳий мавзу бўлишига қарамай, тўғри ҳал қилиниши жуда ҳам мушкул бўлиб қолар эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мовароуннаҳрлик уламоларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси. – Тошкент, 2013. – Б. 251.

2. Мўминов А. Мовароуннаҳр мусулмонлари: ҳанафийлар // Шарқшунослик, 1999, № 9.

3. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети. 2018.

4. Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси / Ш.Зиёдов таҳрири остида. – Т., 2016. – Б. 287.

5. ابن حجر العسقلاني. فتح الباري شرح صحيح البخاري. ج 21, ص 82

6. Доримий Самарқандий Абу Муҳаммад Абдулоҳ ибн Абдуррахмон. Сунани Доримий (сайланма) / Таржимонлар: Усмонов И., Алимова М. ва бошқ. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б. 233.

7. المباركفوري أبو العلي محمد عبد الرحمن. تحفة الأحمدي بشرح جامع الترمذي دار الفكر 9791. ج 6 ص 462